

Аҳам ҲАМДАМ

КОМАНДИР

(ОКОПДА ЕЗИЛГАН МИСРАЛАР)

(Андижон области, Қорасув қишлоғида капитан Ғанижон
ДАДАБОВЕВ хотирасига бағиш лайман).

Осмон қора, томчилар ёмғир,
Ўқлар учар, гуриллар бўрон.
Проектор кечани кундуз —
Айлаганда ёв қочар ҳар ён.
Энг олдинда борар командир,
Қаҳрамон эр, покиза тиллак.
Бутун кураш унга аёндир,
Евни енгил, ороу ва тиллак.
Ҳар нарсга эгил ва омил.
У бошласа жангларга бизни,
Фашист ўлар ишончлар комил.
Ватанини олганда тилга,
Рангиниға қон киргизади.
— Ҳаёт керак нисонга, элга,
Дёб фронтга жон киргизади.
Тонг палласи қўзғалди булут,
Ев булутдай ташланди бирдан.
Кетди ўтти жангоҳдан сукут,
Оташ учар кўнда ва ердан.
— Эҳ!!!

Жангга сафлан, сафлан
Ўғловлар,
Қутмасин ҳеч муқаддас онлар.
Деган нидо Волга бўйида,
Командирнинг фикр-уйида,
Енгил ҳисси оташин олов,
Зарбаиниға чидолмади ёв.
Бўрон бўлиб ёпириди ўлка,
Евга қарши елкама-елка,
Кавказ учун, зўр Кавказ учун,
Рус, украин ва ўзбек учун.
Ҳамон олға борар командир,
Ҳамон мағрур, ҳамон омондир.
Яқсон этиб душмани дотда,
Қаҳрамонлар учди отда,
Байроқ тутиб, қирлардан
Ошди,
Севинчи, газаб, юракдан тошди.
Қуш каби балқиди зафар
Ҳалабани шарафлар шаҳар,
Жангга ботир Сталинград,
Ўғрилари айлади гард-гард,
1943.

КЎКДА ЛОЧИН ЁЗАР ҚУЛОЧИН

(Совет Иттифоқи Қаҳрамони, учувчи
Абдулатиф ЭШОНҚУЛОВГА).

Ҳазонларни айлади қамал,
Гуриллади мотор овози.
Зўр жангларда у тоғи қамол,
Достон бўлди лочин парвози.
Уни Ватан йўлида жангга,
Қанот берди синамас пўлладан.
У ўралиб, шараф ва шонга,
Жанг қилиб самовий отда,
Ев устида учди мудом,
Булут унга бир пиллаш.
Ерда жангчи ўтса ҳужумга,
Баҳодирнинг қаноти сол,
Йўллариди гов бўлса калхат,

Шартта узар бўйини лочин,
Ҳалабанинг кенг осмонида.
Ботир сузар ёзи қулочин,
Унинг номи жаҳонга машҳур,
Ев бошида муқарра қазо,
Қўрқувларни енгди у мағрур.
Яқсон айлар ёвни доимо,
Уни куйлар қизлар яллада,
Поёндозид йўлида бустон,
Ўз ўғлини енгил паллада,
Олқишлайди ҳур Ўзбекистон,
1944, Польша.

БОҒЛАРИМ ЧАМАН-ЧАМАН

Боғларим чаман-чаман,
Мен уларни қучаман.
Қиличдан тез шуғурим,
Тоғдан баланд гурурим,
Ешланимиз гуллаиди,
Учман ойдан баланд.
Ботирлик менга пайвад,
Евдан олиб ўчиним,

Қўрсатаман кучимни,
Ватан жангга йўллади,
Ҳалабанинг йўлида,
Олабайроғи қўлида,
Бахтга томон доимо
Йўл бошлар партизми,
Бизга ғамхўр, раҳнамо,
1944 йил.

УЎЯНОВСК
МУЗЕЙИГА

Расмчи Неймат Қўлбоев
сермаҳсул мўйқалам усталари-
дан. Унинг асарлари мамлакат-
тимизнинг турли шаҳарларида,
шунингдек Венгрия, Германия
Демократик Республикаси,
Польша, Чехословакияда тап-
кил этилган кўргазмалардан
ўрин олди.

Расмчи ижодида улуг Ленин
образини ҳам етакчи ўрин ту-
тади. «Уйғониш» деган бадиий
композиция В. И. Ленин туғил-
ган куннинг 100 йиллиги му-
носабати билан яратилган эди.
«Ўзбек деҳқонлари Ленин ҳу-
зурида» номли асари ҳам ин-
нобий баҳо олди.
Бу сермаҳсул картина до-
ҳий В. И. Лениннинг Уў-
яновскдаги мемориал музейига
тақдим этилди.

Еш талантли раққоса Малика
Ахмедова ўзининг дилрабо, жо-
зибали рақслари билан санъат ин-
новациялари ҳурмати қозон-
моқда. М. Ахмедова санъатга ки-
риб келганига ҳали унча кўп вақт
бўлгани йўқ. Лекин унинг репер-
туаридаги хилма-хил янлий ва
чет эл мамлакатлари рақслари
қўйилган манзур бўлмоқда. Су-
ратда: М. Ахмедова.

Г. Эгамбердиева фотоси.

СПАРТАКИАДА
БАЙРОҒИ
ҲИЛПИРАМОҚДА

Москвада сув полони бўйича
СССР халқлари VI спартакиа-
даси мусобақалари бошланди.
Мусобақа байроғи кўтарилишга
қадар пойтахт олимпиа мар-
казида Озарбайжон ва Қирғи-
зистон командалари биринчи
бўлиб куч синашди. Озар-
байжон командаси 6:3 ҳисоби-
да ғолиб келиб, дастлабки ик-
ки очкони қўлга киритди. Пой-
тахт ватерполчилари эса Тожи-
кистон вакиллари устидан осон-
гина 12:2 ҳисобида устун кел-
дилар. Ленинград командаси
ҳам биринчи галабани қўлга
киритди. Улар туркманистон-
ликларни 5:2 ҳисобида мағлу-
биятга уратдилар. Бошқа уч-
рашувлар куйидаги натижалар
билан ўтди: Украина
РСФСР 4:3, Қозғистон — Э-
стония 11:5, Белоруссия —
Молдавия 6:3, Грузия — Литва
7:2.

Ўзбекистон ватерполчилари
биринчи кун дамида олинди. Ке-
ча улар ўзларининг дастлабки
учрашувларини Тожикистон
терма командаси билан ўтказ-
дилар.
Май ойида яна спортнинг ка-
монда отиш, сува сақраш ва
ҳозирги замон беш кураши бўй-
ича спартакиаданинг финал
мусобақалари бўлиб ўтди. Бу-
гун Ашхобода камонда отиш
спортчилари спартакиада ме-
даллари учун баҳсин бошла-
дилар. Душанбада эса 24 май-
дан 31 майгача сува сақраш
бўйича финал мусобақалари бў-
лади. Бешкурашчилар май ойи-
нинг охири ва июнь ойининг
бошларида ўзларининг бу йили
энг яхши мусобақаларини Ере-
ван шаҳрида ўтказадилар.

СОБИР
РЎЗИЕВНИНГ
МУВАФФАҚИЯТИ

Мюнхенда СССР, Франция,
Венгрия, ГФР, Италия ва Ру-
муния спортчилари ўртасида
жаҳон кубоғи учун мусобақа-
лар бўлиб ўтди. Совет спортчи-
лари Венгрия, Италия, Руму-
ния ва ГФР командаларини
мағлубиятга учратиб, ҳал қи-
лувчи учрашувда Франция ко-
мандасидан 6:9 ҳисобида ма-
ғлубиятга учраб иккинчи ўрни-
ни эгаллашди. Совет спортчи-
лари сафида тошкентлик Собир
Рўзиев ҳам иштирок этди.

ЮБИЛЕЙ
СТАРТИ

Фашистлар Германияси ус-
тидан қозонилган галабанинг
30 йиллиги байрами кунда ве-
доснед пойгаси бўйича жаҳон
биринчилигига старт берилди.
Польша, Чехословакия ҳамда
Германия Демократик Респу-
бликалари йўллари бўйлаб ўт-
казилган бу пойга спорт
мухлисларида ҳамма катта
қизиқиш туғдилади. Жаҳоннинг
жузда қўллаб мамлакатларидан
келган энг кучли пойгачилар
бир неча кун давомида қарий
2 минг километрга яқин масо-

фани босиб ўтишди. Пойгада
ғолиблик учун асосий даъво-
гарлардан бири ҳисобланган
СССР терма командаси сафи-
да тошкентлик Александр
Юдин ҳам бор.

УЧ ТУРДАН СЎНГ

Футбол бўйича «А» класс
иккинчи лигаси қатнашчилари
ўртасида учинчи тур ўйинлари
бўлиб ўтди. Республикалик
вакиллари бу турда муваффа-
қиятди қатнашдилар. Фарғона-
нинг «Нефтчи» футболчилари
ўз майдонларида Кирово-
обдининг «Прогресс» коллекти-
вини 2:0 ҳисобида мағлубиятга
учратиб, Грузиянинг «Дила»
командаси билан уч ўйиндан
кейин олтидан очко билан
турнирда пешқадамлик қи-
моқда. Гулистоннинг «Пахта-
чи» командаси Сумганда
«Хазар» футболчилари билан
булган учрашуви 1:1 ҳисоби-
да тугатди: Янзаҳа спортчи-
лари эса Ереваннинг ФИСК ко-
мандасини 1:0, Термизнинг
«Автомобилист» футболчилари
Ленинканнинг «Широқ» кол-
лективини 2:0 ҳисобида мағлу-
биятга учратдилар. Фақат шу
турда «Янгир» футболчилари
мағлубиятга учради. Улар
«Гури» (Ланхутти) коман-
дасидан 1:2 ҳисобида енгилдилар.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва Эълонлар
ТОШКЕНТ ИППОДРОМИДА

9 ВА 10 МАЙ КУНЛАРИ

СОВЕТ ХАЛҚИНИНГ УЛУҒ
ВАТАН УРУШИДА ҚОЗОНГАН
ҒАЛАБАСИНИНГ 30
ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ

ХАЛҚ САЙИЛЛАРИ
ЎТКАЗИЛАДИ



САНЪАТ УСТАЛАРИНИНГ КОНЦЕРТЛАРИДА:
Навоий номи Ўзбек Давлат академик катта теа-
три ва Муқимий номи Ўзбек Давлат музыка-
театри артистлари, «Лазги», «Гўзал» ва «Шод-
лик» ансамбллари, Давлат цирки артистлари, Тош-
кент шаҳар ва областдаги бадиий ҳаваскорлик
коллективлари қатнашадилар.

ОТ СПОРТИ ИШҚИБОЗЛАРИНИ ҚИЗИҚАР-
ЛИ МУСОБАҚАЛАР КЎТМОҚДА.

ИППОДРОМДА ТАШКИЛ ҚИЛИНАДИГАН
ШАҲАР ЯРМАРКАСИДА ҲАММА САВДО,
УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИ ВА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДАГИ КОЛХОЗ ВА СОВ-
ХОЗЛАР АКТИВ ИШТИРОК ЭТАДИЛАР.

Ипподром меҳмонларини чиройли қилиб бе-
за-

тилган 208 та магазин ва павильонлар, 118 та
ошхона, кабохона, чойхона ва буфетлар ўз эшик-
ларини очиб кўти оладилар.

ШАҲАР ЯРМАРКАСИДА: китоблар, кийимлар, газ-
ламалар, пойафзаллар, парфюмерия, галантерея, тастро-
номия ва кондитерлик маҳсулотлари, совуқ ичимликлар,
мева ва сабзавотлар бор.

9 ВА 10 МАЙ КУНЛАРИ ЭРТАЛАБ СОАТ 8 ДАН
БОШЛАБ ШАҲАРНИНГ ҲАММА ТОМОЛАРИДАН:
«ҚўЛИҚ» МАССИВИДАН, РЕВОЛЮЦИИ ХИБО-
НИДАН, ТОШМИДАН, АВНАСОЗЛАР ШАҲАРЧА-
СИДАН, «ЮНУСОВ» МАССИВИДАН, АЭРОПОРТ-
ДАН, ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИДАН, КАЛИНИН,
ОҚТЕПА ВА КОМСОМ ОЛМОНЛАРИДАН ИППО-
ДРОМГА МАХСУС АВТОБУСЛАР ҚАТНАЙДИ.

Шунингдек, 18-трамвай, 16-троллейбус ҳам ипподром-
га боради.

„ЎЗТОРГРЕКЛАМА“

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВ-
ЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИ.
ДА — 7[У] да Ғалаба кунига ба-
ғишланган театрлаштирилган
байрам концерти. 8[У] да Хорео-
графия билим юрти ўқувчилари.

ХОРЕОГРАФИЯ БИЛИМ ЮРТИ ЎҚУВЧИ-
ЛАРИНИНГ ҲИСОБОТ КОНЦЕРТИ
(12.00). Рус ишчилари (10.30).
10[У] да Ойнамол.
ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ
АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА—
7, 8[У] да Комиссия, 9[У] да Лунаш
ботир (12.00, 13.00, 10.30), 10[У] да
Иқболган узун.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВ-
ЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА —
7[У] да Фарғона — тоғ отгунча,
8[У] да Моно ер, 9[У] да Кумуш
тўя (12.00), Жоним фидо (10.30),
10[У] да Моно ер.
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА —
«Дўстлар қайта учрашадилар».
Цирк томошалари (10.30).

ТАШКИЛОТЛАР
РАҲБАРЛАРИ
ЛИКАТАГА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ОВЧИЛАР
ВА БАЛИҚЧИЛАР СПОРТ
ЖАМИАТИ
узунлиги 2 метр, эни 1 метр
катталигида қанчандан танер-
ланган биланлар пул утқи-
зиш йўли —
СОТАДИ
Муҳоммад учун адрес: 700060,
Тошкент шаҳар, Жуновский
кўчаси, 71-уй.

ТОШКЕНТ
ҲАҚИҚАТИ

Орган Ташкентского
обкома КП Узбекистана
и облисполкома

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, №26. ТЕЛЕФОНЛАР

Коммутатор — 330249 дан
330258 гача.
Эълонлар — 338142.